

ХУСАНОВ Фазлиддин

Ўзбекистон халқаро ислом академиси  
тадқиқотчиси

## ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРДА ШАХС ТАРБИЯСИ МАСА- ЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

## ОБЪЯСНЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИЧНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В СУФИЙСКИХ ВОЗЗРЕНИЯХ

## EXPLANATION OF THE PROBLEM OF PERSONAL EDUCATION IN SUFİ VIEWS

**Аннотация.** Мақолада тасаввуф таълимоти, тариқат шайхлари ва тасаввуфий асарларда шахс ва комил инсон тарбиясига доир қарашлар талқини, унинг босқичлари, тарбия услублари ва комиллик даражалари борасидаги маълумотлар таҳлил этилган. Нафс ва ахлоқ тарбиясига доир олимларнинг тавсия ва кўрсатмалари қиёсланган.

**Калим сўзлар.** Тасаввуф, тариқат, шахс тарбияси, комил инсон, оят, ҳадис, Нажмиддин Кубро, Кубровийлик.

**Аннотация.** В статье анализируются интерпретации учения суфизма, шейхов секты, взгляды на воспитание человека и совершенного человека в суфийских трудах, его этапы, методы воспитания и уровни совершенствования. Сравниваются рекомендации и указания ученых по воспитанию личности и нравственности.

**Ключевые слова.** Суфизм, тариқат, воспитание личности, совершенный человек, аят, хадис, Наджмуддин Кубро, кубровия.

**Abstract.** In the article, the interpretation of Sufism teachings, the sheikhs of the sect, and the views on the education of a person and the perfect person in Sufi works, its stages, methods of education, and levels of perfection are analyzed. Recommendations and instructions of scientists on the education of self and morality are compared.

**Keywords.** Sufism, tariqat, personality education, perfect person, verse, hadith, Najmuddin Kubro, Kubrovia.

## КИРИШ

Комил инсон масаласи шахс тарбияси билан боғлиқ бўлган мавзулардан бири ҳисобланади. Тасаввуф таълимоти марказида инсон моҳиятини тушуниш, уни салбий иллатлардан қутқариб, руҳиятидаги маънавий томонларини юксалтириш ва комил инсон мақомига кўтариш ғояси ётади.

Тасаввуф ҳақиқий маърифатни тотиб кўриш, завқ ва илоҳий ёғдунинг мўмин инсон қалбида порлашидир. Бу икки ҳолат, яъни, завқ ва илоҳий нур тажаллийсини ақл орқали билиб олиш мумкин эмас. Чунки ақл фаолияти моддий тажриба доирасида чекланган, аммо тасаввуф тажрибаси руҳий аҳамиятга эга, шунга биноан тасаввуф инсонни шариат ҳудудидан чиқмаган ҳолда руҳ, замир ва илоҳий нур доирасида чулғаб олади [10:34].

Шайх Амин Алоуддин Нақшбандий фикрича, қуйидаги қудсий ҳадис ушбу ҳолат ва мақомнинг ифодасидир: “Мен унинг эшитадиган қулоғи ва кўрадиган кўзи бўламан”, дейилади [15:226].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, тасаввуф таълимотида қалб яъни, кўнгилдан мақсад – бир парча гўштдан иборат бўлган юрак эмас. Балки ундан мақсад – илоҳий маърифатнинг ўрнидир. Бу хусусда Алишер Навоий “Ҳайрату-л-аброр” асарида шундай деган:

Сенки кўнгил дерсан эрур бу юрак,  
Исми кўнгил бирла эрур муштарақ,  
Солик ани “арши муалло” деди,  
Сўфи ани “олами кубро” деди [16:392].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Тасаввуфда комил инсоннинг кимлиги ва унинг ҳаётда тутган ўрни яратилиш фалсафасига боғлиқ. Бу ўринда тасаввуф аҳли иккита қудсий ҳадисга таянади. Биринчиси орқали коинотни яратишдан асл мақсад – инсонни яратиш эди, деган ғоя илгари сурилади.

Ваҳдату-л-вужуд тарафдорлари нуктаи назарида яратувчи борлиқ кўзгусида ўзининг

кайфияти номаълум суратини мушоҳада этган. Уларнинг фикрича, ушбу мушоҳада моддага замон ва маконга хос бўлган, яъни, ўзидан ташқари турган бирор нарсани узоқдан кузатиб туриш эмас, балки, аксинча барча зарраларида ўз зоти билан мушоҳада этишдир.

Иккинчи кудсий ҳадисга биноан коинот ва инсоннинг яратилишидан мақсад, шунингдек, комил инсоннинг тимсоли Муҳаммад (с.а.в..) эди.

Бу ҳақида Куръони каримнинг “Қалам” сурасининг 4-оятида шундай дейилади: “Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз”. “Буюк хулқ” нинг маънолари ҳақида турли тафсирлар бор. Ҳадисда Муҳаммад (с.а.в..) нинг ўзлари “Мен барча гўзал ахлоқларни такомиллаштириш учун юборилганман”, - деганлар [1:564].

Ҳақиқатан, Муҳаммад (с.а.в..) биринчи даражадаги комил инсон эканликлари асло шубҳа йўқ. Бу оятни бошқача тафсир қилганлар “буюк хулқ” дан мақсад – Куръон ёки ислом дини деб изоҳлашга ҳаракат қилганлар.

Инсон тупроқдан яратилганлиги учун оламдаги барча унсурлардан унинг таркибида бир намуна мавжуд. Айни ҳолда у табиатда яратилган энг сўнгги борлиқдир. Ушбу нуктаи назардан уни “Олами суғро” – микрокоинот деб атаганлар. Инсон эга бўлган илоҳий ҳақиқат юзасидан Ҳақнинг ўзидир. Ушбу жиҳатдан, яъни, ўзининг ҳақиқий ва маънавий жиҳатдан инсон “Олами кубро” – макрокоинот деб аталган.

Мутасаввифлар, олам – буюк инсон, инсон эса – кичик оламдир. Инсоннинг жисмоний тузилиши оламнинг моҳиятидир. Оламда мавжуд ҳар нарсанинг бир намунаси инсонда ҳам мавжуд. Инсон зоти жиҳатидан кейин яратилган ва Ҳақдан ғайри, аммо у эга бўлган илоҳий ҳақиқат жиҳатидан эса Ҳақнинг ўзидир дейилган. Шу ҳақиқати ва маънавий жиҳати ила инсон “олами кубро” дир дейилган.

Ҳудди шу фикрларни Нажмуддин Кубро қарашларида ҳам кузатиш мумкин. Нажмуддин Кубро фикрича, инсон кичик

олам – микрокоинот бўлиб, ўзида катта олам – макрокоинотда нима бўлса, ҳаммасига эга, - демак, у ўзида “шафқатли, раҳмли Аллоҳ”нинг сифатларини истисно қилганда, илоҳий хусусиятларни ҳам мужассамлаштира олиши мумкин [8:187].

Аммо ҳақиқат йўлини кидирувчилар бундай юксакликларга кўтарилиб, камолотга эришишлари учун, маълум риёзатли йўллардан ўтишлари зарур. Бу йўлнинг қатъий меъёр ва қоидалари мавжуд: тўғрилиқ, ҳалол-поқ йўлдан юриш, нафл рўза тутиш ва ўз иродасини бутунлай пирининг иродасига бўйсундириш.

Инсон ўзининг моддий тузилиши ва руҳий моҳияти юзасидан бир-бирига қарши турган икки қобилият, нафс ва руҳга эга бўлиб, икки томонга тортилиб туради. Бир томондан моддий борлиқ, нафси аммора ҳар доим уни тубанлик ва ёвузликларга тортиб турса, иккинчи томондан илоҳий манба нафси лаввома ва нафси мутмаинна комиллик сари яқинлаштиришни истайди [22:6-9].

Демак, инсон туғилган вақтдан бошлаб, ҳаётининг охирига қадар иккита қарама-қарши тамойил орасида туриб курашишга мажбур. У тоат-ибодатга берилиб, ихлос ва риёзат орқали эзгу ишларни амалга ошириш билан нафс мартабаларини босиб ўтгандан кейин комил инсон даражасига яқинлашади.

Нақшбандийлик тариқатининг йирик вакилларида бири Маҳдуми Аъзам Саййид Аҳмад ибн Жалолуддин Косоний айтишича, одам боласи туғилганидан кейин дунёга кўнгил беради, унинг руҳидаги илоҳийлик доғланиб, кирланиб боради, натижада дунёга қўйилган муҳаббат ҳақиқий маҳбуб васли орасида ҳижобга айланади. Мурид кўнгилдан ушбу доғ ва кирланишларни комил муршид (тасаввуф йўлидаги устоз) раҳбарлигида риёзат ва ибодат орқали кетади. Шундан сўнг ҳақиқий Маҳбуб жамол ва жалол сифатида унинг кўнгли кўзгусида тажаллий қилиши мумкин [10:36].

Мақомлар сони ва ҳар бирининг номи турли тариқатларда турлича берилган. Кубровийлик тариқатида 10 та бўлса, нақшбандийлик тариқатида 11 та. Инсон руҳи 10 ёки 11 мақомни босиб ўтгандан кейин, убудият – бандалик мартабасига, айрим тариқатлар истилоҳида эса “вусул” мақомига етиб боргандан сўнг солиқнинг қалби барча исмлар ва сифатлар тажаллий қиладиган бир ойнага айланади.

Тасаввуф аҳли ақидасига кўра, инсон руҳи қаттиқдан латифга қараб – қалб, рух, сир, сиррус-сир, ҳафий ва ахфо номлари билан олтига латиф даражага бўлинган ва улар “Латоифи ситта” (“Олтига латиф нарса”) деб аталган. Латоифи ситтанинг ҳар бири нафс ёки руҳнинг бир мартабасига мувофиқ келади [24:32].

Шаҳобуддин Яҳё Суҳравардий (1155-1191) таъкидлашича, дунёда тангрининг фақат сифатларини кўриш мумкин. У “Одобу-т-тариқа” рисоласида маърифат олами – лохут олами, яъни энг чиройли ва гўзал қилиб яратилган олам – руҳу-л-қудуснинг асл ватани бўлиб, ундан мақсад комил инсондир.

Айрим мутасаввифлар комил инсонни идеаллаштириб, уни улухият – илоҳийликга яқин мақомга мужассамлаштиришга уринганлар, ҳатто, уни яратувчи билан инсонлар ўртасида воситачилик қилувчи муқаддас зот деб, баъзан унинг мақомни пайғамбар мақомидан ҳам устунроқ қўйганлар

Тасаввуф аҳли комил инсон ҳақида сўз юритиб, кўп баҳслар қилган. Улар томонидан комил инсонга нисбат берилган хусусиятлар ва юксалиш даражаларини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳаётда топилмайдиган иксири аъзамга ўхшаб кетади

Имом Абу Муъин Насафийнинг айтишича, ҳар бир асрда борлиқ дунёсида бир комил инсон топилади. Унинг фикрича, комил инсон 45 дан кўпроқ ном билан аталган экан. [10:38].

Юқоридаги таъриф ва сифатлардан кўриниб турибдики, комил инсон – идеал киши бўлиб, ҳар доим инсонларни унинг

хусусиятларини эгаллаб олиш учун ўз томонига тортиб туради. Кубровийлик ва нақшбандийлик тариқатларида комил инсон сиймоси ҳеч қандай муболағасиз амалий ҳаёт талабларига мос келадиган шаклда тасвирланади.

Нажмуддин Кубро ақлни эъзозлаб, уни нафсга қарши қўяди. Унинг фикрича, ақл ғалабаси нафс устидан қилинган ғалабадир. Нафс шариат ва ақлга қарши туриб, ҳою-ҳавас билан келишади.

Кубронинг мақсади таркидунёчилик эмас. Балки, нафсни поклаш туфайли уни ҳайвоний ва шаҳвоний истаклардан халос қилиб, руҳини юксак даражага кўтариш. Тасаввуф йўлига кирган муридни ҳар доим ҳушёрликка даъват этиб, комил инсон мақомига кўтаришдан иборат.

Шайх Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф таълимотини амалий ҳаёт билан чамбарчас боғлади, таркидунёчилик, ва дангасаликка барҳам бериш мақсадида муридларни қабул қилиш учун уларга бир ҳунарни билишни шарт қилиб қўйди. Ўзи шахсан кичик экинзорида ишлаб, ўз меҳнати билан ҳаёт кечирди. “Қалбинг Аллоҳ билан, қўлинг меҳнат билан банд бўлсин”, деган унинг қимматли кўрсатмаси нақшбандийлик тариқати қанчалик ҳаёт билан боғлиқ эканлигининг яққол далили саналади [19:187].

Баҳоуддин Нақшбанд ўн икки йилни Халил ота – Султон Халил билан ўтказганида унинг энг яқин суҳбатдоши ва сирдоши бўлиб, жумладан, олти йил унинг ёнида сиёсат ишлари ва давлат юмушлари билан шуғулланиб келди ва амалий ҳаётда комил инсон тимсолини яратиб берди. Унинг издошларидан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор уч минг қўш ҳўкизли ерга эга бўла туриб, фақирликда яшади, минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш учун замон шоҳларини инсоф ва адолатга чорлаб тургани муҳим омил бўлди [19:96-105].

Нақшбандийлик тариқатининг давоми бўлмиш мужаддия тариқатининг асосчиси Имом Раббоний Шайх Аҳмад Сирҳиндий

“Мактубот” китобида Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти шариатга мувофиқ ва замон талабларига мос эканлигини уқтириб ўтади.

Комил инсон барча илоҳий сифатларга асосланган руҳий такомилга эришган ҳақиқий инсондир. Қуръони каримда Аллоҳ жаҳонда комил инсоннинг тимсоли бўлмиш ҳазрат Муҳаммад (с.а.в..) га “Албатта, сиз гўзал хулқ узрадирсиз”, деб хитоб қилган эди [1:564]. Чунки гўзал ахлоқ, комиллик сифатлари, юксак маънавий хусусиятлар, руҳий фазилатлар Муҳаммад (с.а.в..) да мавжуд эди.

Қуръони каримда “Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик...”, - дейилади [1:289]. Шунга асосан, тасаввуф аҳли инсонни Худонинг ердаги халифаси, икки оламнинг гултожи, деб таъриф қилади. Алиер Навоий эса “Маҳбубу-л-қулуб” асарида “Одамий шарифул кавнайндур” деган сўзни келтиради. Демак, Одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шарафлисидир.

Шайх Азизуддин Насафий “Жумла мавжудот одамзотга сажда қилдилар, чунки улар орасида комил инсон бор” дейди [11:152]. Комил инсон сабабли инсон ана шундай буюк, мухтарам ва мукаррам. Албатта, бу одамзот фарзандини улуғлаш, унинг кадр қиммати, шаънини кўтариб, инсонпарварлик ғояларини илгари суриш эди.

Демак, инсон мавжудотларнинг энг олийси экан, комиллик сари интилиб, моддий, салбий иллатларни тарк этиши керак. Бунинг учун инсон ўзини идрок этиб, ботиний оламини поклаши зарур.

Ваҳдату-л-вужуд фалсафасида комил инсон масаласи муҳим ўрин олган. Айтиб ўтиш керакки, тасаввуфдаги комил инсон тушунчасини ваҳдату-л-вужуд фалсафасидан ажратиш мумкин эмас. Бу тушунча мазкур фалсафанинг хусусиятларидан воқиф бўлмагунча етарли даражада англашилмайди.

Инсон ўзида икки зид курашиб турган бир борлиқдир. Бу курашда нафсий томони ғолиб келганлар илоҳий имтиҳонда бой берганлар, руҳий томони ғалаба қилганлар

эса ютганлардир. Шунинг учун инсоннинг вазифаси – умрининг охиригача етти парда билан тўсилган руҳини, нафснинг етти мартабасининг ҳар бирдан ўтиш орқали “комил инсон” бўлишга интилишдир. Бунинг амалга оширган инсон илоҳий хувиёти (моҳияти)ни қўлга киритган бўлади. Сўфийлар таълимотига кўра, инсон шариат қоидаларига амал қилиш орқали жаннатга эришади, тасаввуфий маънода руҳ таълим-тарбиясидан ўтиб, “маърифат”га эришса, оламнинг сирлари ва илоҳий ҳақиқатга етади. Камолотга етган инсоннинг қалб кўзи очилади ва ашённинг моҳиятига разм солиш, таъсир этиш имконини топади [6:85-122].

Ибн Арабийнинг ваҳдату-л-вужуд фалсафаси билан бир қатор мутасаввифларнинг “инсон” ҳақидаги қарашлари янада қоидалар, тартибли ҳолга келган ва бу мавзунини кўплаб мутасаввифлар ишлаб чиққанлар. Аммо уларнинг бу мавзудаги фикр-қарашларини баъзи олимлар қоралаганлар.

## ХУЛОСА

Ҳақиқат йўлини қидирувчи солиқ камолотга эришиши учун, маълум риёзатли йўллардан ўтиши зарур. Бу йўлнинг қатъий меъёр ва қоидалари мавжуд: тўғрилиқ, ҳалол-поқ йўлдан юриш, нафл рўза тутиш ва ўз иродасини бутунлай пирнинг иродасига бўйсундириши талаб этилади. Инсон туғилган вақтдан бошлаб, ҳаётининг охирига қадар иккита қарама-қарши тамойил орасида туриб курашишга мажбур. У тоат-ибодатга берилиб, ихлос ва риёзат орқали эзгу ишларни амалга ошириш билан нафс мартабаларини босиб ўтгандан кейин комил инсон даражасига яқинлашади.

Тасаввуф ҳар бир муридни ҳар доим ҳушёрликка даъват этиб, комил инсон мақомига кўтаришга йўллайди. Инсон мавжудотларнинг энг олийси экан, комиллик сари интилиб, салбий иллатларни тарк этиши керак. Бунинг учун инсон ўзини идрок этиб, ботиний оламини поклаши зарур.

## АДАБИЁТЛАР

1. Мансур А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: Ўқитувчи, 2020. – 624 б.
2. Абдулмуҳсин Аббод. Шарҳ сунан Абу Довуд. – Шабакату-л-исламия, 2005. 1-жилд.
3. Aḡluni İsmail bin Muhammed. “Keşf ul-hafa”. – Beyrut. 1351 h.s. 2-cild.
4. Arvasi Seyyid Abdülhakim. al-Riyazü-l-tasavvufiyye. Istanbul: 1341. – S. 153.
5. Бадруддин Айний Ҳанафий. Умдату-л-қорий шарҳ саҳиху-л-бухорий. – Байрут: Дару-л-китаб ал-арабия, 2006. – Б. 246.
6. Cavit S. Allah insan ilişkisi. İlahiyat fakültesi dergisi. XXI, Ankara. 1976. S. 85-122.
7. Имом Ҳофиз Имоуддин Абулфидо Исмоил ибн Касир Қураший Димашкий. Тафсиру-л-қуръони-л-азим. – Байрут: Дару-л-ихяу-т-туросу-л-арабий, 2006. 5 жилд, 5-жилд. – Б. 391.
8. Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва., 1991.
9. Имом Фахруддин Муҳаммад ибн Умар Тамимий Розий. Мафатиху-л-ғайб. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия, 2000. 32 жилд, 1-жилд. – Б. 99.
10. Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси // ТИУ илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент, 2003. – № 2.
11. Комилов Н. Тасаввуф (Тавҳид асрори). – Тошкент: Ғ.Ғулом, Ўзбекистон, 1999.
12. Остонақулов И. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 187.
13. Оқилов С. Абул Муъин Насафий Мотуридий таълимотининг давомчиси // ТИУ илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент, 2004. – № 1.
14. Мулло Али Қори. Мирқоту-л-мафотих шарҳ мишкату-л-масобих. – Байрут: Мишкату-л-исламия, 2008. – Б. 43.
15. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий. Мишкату-л-масобих. – Байрут: Мактабату-л-асрия, 2008.
16. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 7-жилд. – Тошкент: Фан, 1991.
17. Ғаззолий Абу Ҳомид. Ихёу улуми-дин. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.
18. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат (Рух ҳақиқати). – Тошкент: Адолат, 2005.
19. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.
20. Шайх Нажмуддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 261 б.
21. Шайх Исмоил Ҳақкий Бурсавий. Тафсир руҳу-л-баян. – Байрут: Дару-л-ихяу-т-туросу-л-арабий, 2001. 10 жилд, 1-жилд. – Б. 238. 551 б.
22. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Рухий тарбия. – Тошкент: Шарқ, 2008. 1-жилд. – 447 б.
23. Шайх Нажмуддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 261 б.
24. Шайх Имом Давсирий. ал-Раҳмату-л-ҳабита фи таҳқиқи-р-робита. – Қозон: Литография, 1898. – 361 б.